

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИКОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ҲАМДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА
ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН
ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТИЗИМИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг натижадорлигини ошириш, муҳим ижтимоий масалаларга оид очик маълумотлар кўламини янада кенгайтириш, улардан тўсиқларсиз фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши (кейинги ўринларда – Миллий кенгаш), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик), Бош прокуратуранинг коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш бўйича қуйдаги тизимни жорий этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин:

ҳар чорақда Агентлик давлат органлари ва ташкилотлари кесимида содир этилган коррупцияга оид жиноятларни таҳлил қилади ва ушбу жиноятлар кўрсаткичи ошган давлат органлари ва ташкилотларига кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгилаш учун Агентлик ходимлари иштирокида кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдирда киритиб боради;

ҳар ярим йилда жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга имкон берган омилларни бартараф этиш бўйича кўрилатган чоралар Миллий кенгаш йиғилишларида тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилиб борилади.

2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2023 йил 1 декабрдан бошлаб Очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати қуйдаги маълумотлар билан тўлдирилсин:

худоўлар кесимида "Ҳаж" тадбирига бориш учун навбатда турган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбати тўғрисидаги (зиёратга боровчи шахснинг аризаси навбатга қўйилган сана ва рўйхатдаги тартиб рақами) маълумотлар;

болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш учун берилган аризалар навбати (рўйхати) тўғрисидаги (ариза навбатга қўйилган сана, рўйхатдаги тартиб рақами, ёш гуруҳи ҳамда ташкилот рақами) маълумотлар;

давлат органлари ва ташкилотларида давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларини белгилловчи харид комиссиясининг ички идоравий тартиби (низом, регламент, йўриқнома ёки бошқа ички идоравий ҳужжат);

марказий, ҳудудий ва тизим ташкилотларида бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари, номзодларга қўйиладиган талаблар ва тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларга тақдим этилган грант ва ижтимоий буюртма лойиҳалари ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан, ғолиб бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уларнинг буюртма доирасида бажарган ишлари юзасидан ҳисоботлари ҳақидаги маълумотлар.

4. Агентлиكنинг қуйдаги жараёнларни интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

а) фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун илмий кенгаш томонидан ўтказиладиган диссертация ҳимояси (ёпиқ илмий ишлар бундан мустасно);

б) ўрта-маҳсус ва профессионал таълим муассасаларининг, (шу жумладан, "Темурбеклар мактаблари" ҳарбий-академик лицейларининг) тест синовлари ҳамда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларга кириш имтиҳонлари;

в) олий таълим муассасалари базасидаги ҳарбий таълим факультетлари (ҳарбий кафедра) қабул қилишдаги саралаш танловларининг қуйдаги босқичлари:

умумжисмоний тайёргарликни баҳолаш;

чақириққа бослангич тайёргарлик дастури бўйича билим даражасини баҳолаш.

(Давоми 2-саҳифада) ➤

НУРАФШОН
"Яшил шаҳар"га айланади

Нурафшон шаҳридаги "Nurafshon city" ҳудудининг "Янги Ўзбекистон" боғида оммавий кўчат экиш акцияси ўтказилди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигида бошқарма, ташкилотлар раҳбарлари ҳамда туман, шаҳар ҳокимликлари мутасаддилари, нурунийлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари фаол қатнашишди.

Мазкур боғ ҳудуди 25 гектар майдондан иборат. Ҳозирда боғга 6 минг 780 туп манзарали дарахт кўчатлари экилган. Ҳудудга яна 20 минг кўчат экиш режалаштирилган.



Эзгулик

Ишчи гуруҳ фаолиятдан

ШОД КЎНГИЛЛАР,
ОБОД МАНЗИЛЛАР

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан жойларда "Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла" мезонларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ободонлаштириш ишлари давом этмоқда.



Жумладан, шундай эзгу ишлар Президент Администрацияси, Халқ қабулхоналари ҳамда тегишли вазирлик ва идора вакилларидан ташкил топган Республика ишчи гуруҳи бошчилигида Тошкент вилоятида ҳам олиб боришмоқда.

Ўтган икки ярим ой мобайнида Тошкент вилояти бўйича танланган 4 та "оғир" – Пискент туманидаги "Сувти", Бекобод туманидаги "Хонобод", Оққўрғон туманидаги "Бойғулли" ва Қуйи Чирчиқ туманидаги "Қўқсарой" маҳаллаларининг 41 та кўчасида бунёдкорликлар амалга оширилди.

Дастурга кўра, 966 та ўта оғир шароитда яшаётган фуқаролар-

янги электр тармоқлари тортилди, 253 донга ёритиш чироклари ўрнатилди, 2 та янги трансформатор қўйилиб, 11 таси капитал таъмирланди, 1 мингдан зиёд симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди, 82 та янги темир-бетон устунлар ўрнатилди.

Газ таъминотини яхшилаш мақсадида 12 та газ тақсимлаш пункти, 35,2 километр газ тармоғи таъмирланди. Аҳоли талабидан келиб чиққан ҳолда хонадонларга қўшимча 126 та суюлтирилган газ баллонни, 12 тонна кўмир етказиб берилди.

нинг тураржойлари капитал таъмирлаб берилди. Маҳаллаларда 5,8 километр йўлга шағал ётқизи-

либ, пиёда йўлакларни қурилди. Беш километрга яқин узунликда

(Давоми 2-саҳифада) ➤

Вилоят
бўйлаб

Беш ташаббус олимпиадаси доирасидаги "Ёш китобхон" танловининг **ТОШКЕНТ** вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда **ЮКОРИ ЧИРЧИК тумани** "Султонравот" маҳалласилик Бахтиёр Қўзиёв 20-30 ёшлилар тоифасида 1-ўринни эгаллаб, танловнинг Республика босқичига йўлланмани кўлга киритди.

ТОШКЕНТ туманидаги "Универсал спорт мажмуаси"да Karate-VKF спорт тури бўйича очик турнир ўтказилди. Мусобақада Тожикистон, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Фарғона ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган 300 нафардан зиёд спортчилар қатнашишди.

БЎКА тумани ҳокимлиги масъуллари бошчилигида маҳаллалардаги таъмирталаб кўчалар шағаллаштирилмоқда. Туман электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан худудларда темир-бетон устунлар ўрнатиш, носоз трансформаторларни таъмирлаш ва тармоқ тортиш ишлари олиб боришмоқда.

ОҚҚЎРҒОН туманидаги "Empire-Clothes" МЧЖ тикув корхонасига тумандаги ишсиз хотин-қизлар таклиф этилди. Улар корхонадаги шартномага яқиндан танишишди. Шу кун 26 нафар хотин-қиз корхона билан шартнома тузди.

ЎРТА ЧИРЧИҚ тумани ҳокимининг ташаббуси билан 50 нафар нурунийлар Самарқанд шаҳрига саёхатга олиб борилди. Улар қадимий шаҳардаги муқаддас қадимжоларни зиёрат қилиб, илиқ таасуротлар билан қайтишди.

ТИЛ БИЛГАННИНГ ИШИ "БЕШ"

Сўнгги йилларда Хитой компаниялари, молиявий тузилмалари ҳамда инвесторлари иштирокида юртимизда юксак самарали технологиялар асосида халқ ҳужалигининг турли тармоқларида кўплаб инвестициявий лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда.

Хусусан, биргина Ўрта Чирчиқ туманида Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда жами 13 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда. Улар

орасида тумanning "Бойовул" маҳалласидаги чинни идишлар ишлаб чиқарувчи "Al aziz inter servis", "Янгиллик" маҳалласида жойлашган юк мотоцикллари ишлаб чиқарувчи "Xunjie", "Адолат" маҳалласида фаолият юритаётган "Тошкент том қопламалари", "Шоликор" маҳалласидаги текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Munisna" МЧЖлар, шунингдек, аёллар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Ci ci shoes" корхоналари бор.

2

"Нақшкор" даромад

Кичик бизнес

Сўнгги йилларда мамлакатимизда хунармандчилик соҳасига бўлган эътибор ошди. Давлатимиз раҳбари томонидан халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва оммалаштириш, миллий хунармандчилик, халқ бадийи ва амалий санъатини янада ривожлантириш, хунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шу асосда аҳоли, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш каби устувор вазифаларни кўзда тутувчи "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон қабул қилинди. Фармонга биноан яратилган имконият ва имтиёзлар натижа-сида хунар ўрганиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганлар бир неча баробарга ошди.



4



Хурматли газетхон!

"Тошкент ҳақиқати" газетасига 2024 йил учун обуна бўлишни унутманг. Хонадонингиз ва дош бўлишга кафолат берамиз! Унутманг, оилада мутолаа маданияти газетга ўқишдан бошланади! Нашр кўрсаткичи – 205.

